

КУЧ — АДОЛАТДА! ҚОНУН ЎСТУВОР БЎЛГАН ЖОЙДА АДОЛАТ БОР! ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!



Ўзбекистон
АДОЛАТ
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ

АДОЛАТ

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 49
(753)
2009 йил,
27 ноябрь,
жума

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис
Қонунчилик палата-
сидаги Ўзбекистон
«Адолат» социал-
демократик партия-
си фракциясининг
навбатдаги йиғили-
ши бўлиб ўтди.
Фракция раҳбари
Исмоил
Саифназаров бош-
қарган йиғилишда
депутатлар, тегишли
идора ва вазирлик-
лар ходимлари
ҳамда ОАВ вакилла-
ри иштирок этди.



Фракция аъзола-
ри томонидан
дастлаб Олий
Мажлис қўйи палатасига
Республика Бош прокуро-
ри томонидан киритилган
"Ўзбекистон Республикаси-
нинг Жиноят кодексига
қўшимча киритиш ҳақида"-
ги қонун лойиҳаси муҳока-
ма қилинди. Ушбу қонун
лойиҳаси юзасидан қўйи
палатанинг Қонунчилик ва
суд-ҳуқуқ масалалари
қўмитаси аъзоси Абдиль
Тўхташев сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Жи-
ноят кодексининг 55-мод-
дасида жазони енгиллаш-
тирувчи ҳолатлар назарда
тутилган. Унга қўра, айбни

бўйига олиш тўғрисида
мурожаат қилиш, чин
қўнгилдан пушаймон бўлиш
ёки жиноятни очиш учун
ёрдам бериш ҳамда отка-
зилган зарарни ихтиёрий
равишда бартараф қилиш
каби ҳолатлар айбдорнинг

жиноят содир этилгандан
кейинги фаол ижобий ҳара-
катлари ҳисобланади. Қол-
ган ҳолатлар эса жиноят
содир этилганга қадар ёки
уни содир этиш пайтида
юзга келади ва айбдор-
нинг кейинги ҳаракатлари-

га боғлиқ бўлмайди.

— Айбдорнинг пушай-
монлиқни фаол ҳаракат ор-
қали намойиш қилиши ўз
қилмишининг гайриқону-
нийлигини англаганлиги ва
жазо олишга тайёр экан-
лигидан далолат беради, —



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2009 йил 5 ДЕКАБРЬ ШАҒБА
ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2009 йил
7 ДЕКАБРЬ ДУШАҒБАГА
КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилин-
ган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳоли-
нинг дам олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва
иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:
2009 йил 5 декабрь шағба дам олиш куни 2009 йил 7
декабрь душанбага кўчирилсин.
5 декабрь шағба куни иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 ноябрь

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбеки-
стон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига
қатор хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар
раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз ва Ўзбекистон халқи муборак Қурбон ҳайитини нишон-
лаётган ушбу кунда Америка халқи ва шахсан ўз номидан
йўллаётган энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Муқаддас аъёнлардан келиб чиқиб, умид қиламанки,
биз бутун дунёда эркинлик ва тинчликка эришиш йўлидаги
ҳамкорлигимизни давом эттиравемиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат ҳамда равнақ
тилаб қоламан.
Эҳтиром ила,

Барак ОБАМА,

Америка Қўшма Штатлари Президенти

ШУ ЖУМЛАДАН:

Қувайт Давлати Амири Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир
ас-САБОҲ; Уммон Султони Қобус бин САИД;
Иордания Подшоҳи Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-ҲУСАЙН;
Яман Республикаси Президенти Али Абдуллоҳ СОЛИҲ;
Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ҳомед
Карзай; Тожикистон Республикаси Президенти Имомали
РАҲМОН; Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом
АЛИЕВ; Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо
РАҲИМОВ ва МДҲ Динлараро кенгаши ҳамраиси, Кавказ
мусулмонлари бошқармаси раиси Шайх-ул-Ислам Оллоҳ-
шуккур ПОШОЗОДА томонидан йўлланган табрикларда
қодир Аллоҳдан давлатимиз раҳбарига мустаҳкам сийҳат-са-
ломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотир-
жамлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий
истаклар билдирилган.

Табриклар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,
Хурматли Президент Жаноби Олийлари,
Сизни ва юрдошларимизни улуг айём — Қурбон
ҳайити билан ҳождаримизни номидан самимий мубо-
ракбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан динимиз арконларини
эмин-эркин бажо келтириш учун барча шароитлар, ҳу-
сусан, Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораёт-
ган фуқароларимиз учун яратиб берилаётган қўлай им-
кониятларни Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз наму-
наси, деб биламиз.

Муқаддас қўрада миллий ва диний қадрият-
ларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш, юртимиздан ети-
шар қиққан буюк алоқадор қадамжоларини обод этиб,
уларга янгича салобат бахш этиш борасида амалга
оширилган эзгу ва хайрли ишлар халқимизни янада
улкан зафарлар сари руҳлантирмоқда.

Биз, ўзбекистонлик ҳождар Маккаи мукаррама, Ма-
динаи мунаввара каби муқаддас заминларда туриб,
Сизнинг раҳнамолигингизда мустақил юртимиз ҳами-
ша омон, элимиз тинч, турмушимиз янада фаровон
бўлишини Яратқандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Сизга, муҳтарам Президент Жаноблари, Аллоҳ тао-
лодан мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат тилаб, халқи-
миз ва гўзал дийримизни ҳамisha Ўз паноҳида асра-
шини сўраб дуолар қилиб қоламан.

Ўзбекистон ҳождарини номидан

муфтий

У. АЛИМОВ

Мақка шаҳри, Арафот водийси,
2009 йил 26 ноябрь

Бугуннинг гапи

Жамоатчилик ва парламент назорати

қуйида ва юқорида бирдек таъсирчан қўра эга
бўлишида сиёсий партиялар, ННТлар ҳамда
депутатлик корпусининг ўзаро ҳамкорлиги хусусида

"Адолат" СДП Самарқанд шаҳар Кенгаши раиси Тўраҳон
Ҳошимов: бундай ҳамкорликка эришишда гап-сўзлардан ама-
лий ишга ўтиш вақти келди, деб таъкидлайди. Чунки, бугун
сайловчилар сиёсий партиялар ва уларнинг ваколатли ва-
килларида жамиятнинг янгилаш жараёнига фаол му-
носабатни талаб этишмоқда.

Дарвоқе, фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг
Самарқанд минтақавий ахборот-таҳлил марказида сиёсий
партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иш-
тирокида ўтказилган давра суҳбати ҳам аини шу долзарб
мавзуга бағишланди. Анжуманда дастлаб минтақавий ахбор-
от-таҳлил марказининг катта илмий ходими, профессор
Фарҳод Набиевнинг мунозарара чорловчи маърузаси тинг-
ланди. Демократик жамият ҳокимиятининг халқ томонидан
шакллантирилишига эмас, унинг шаклланганлиги, аниқ ва
изчил фаолиятини таъминлаш мақсадида назорат қилини-
шини ҳам ўз ичига олади, деди нотиқ. Бу борада эса депу-
татлар корпусига катта ваколат юклатилган.

— Тўғри ва мантқан тушунарли фикр, — деб таъкидлади
Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари Самар-
қанд шаҳар уюшмаси раиси Баҳодир Дўстмуҳаммедов. —
Бирок жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳам қўйи-
дан, ҳам юқоридан бирдек самарали ёндашув зарур. Бу
борада ННТлар зиммасидаги ваколатни сира қамайтириб
бўлмайди. Чунки, аинан ННТлар янги фуқаролик жамияти-
нинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

— Шунинг учун ҳам жамоатчилик назоратини амалга оши-
ришда ижтимоий ҳамкорлик зарур, — деб суҳбатдошининг
фикрини қувватлади Минтақавий ахборот-таҳлил маркази
катта илмий ходими Ж.Вафоева. — Негаки, жамиятимиздаги
ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси
ҳар бир фуқарода тўлиқ шаклланишда назорат ўз кучини
курсатапти, деб айтиш мумкин.

Давра суҳбати худди шундай бўшқин мунозаралар остида
ўтди. Анжуманда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари де-
путатлари тақлиф этилган мулоқотнинг жонли ўтишини таъ-
минлади. Хусусан, Самарқанд шаҳар Кенгаши депутатлари
А.Аминов ва У.Аслиддинов депутатлик гуруҳининг назорати-
ни амалга оширишнинг айрим муаммолари юзасидан фикр
билдиришгани суҳбатдошларни бефарқ қолдирмади.

Анжуман иштирокчилари жамоатчилик ва парламент на-
зоратини амалга оширишда сиёсий партиялар, ННТлар ва
депутатлар яқин ҳаракат қилиши жамият истиқболини таъ-
минлайди, деб хулоса чиқардилар.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

Ўзбекистон Рес-
публикаси Кон-
ституцияси ва
қабул қилинган жорий
қонунларда умумэти-
роф этилган халқаро
ҳужжатлар талаблари-
га мос инсон ҳуқуқи ва эр-
кинликлари кафолатлан-
ган. Мамлакатимиз Пре-
зиденти Ислам Каримов
бу ҳуқуқлар ва кафолат-
ларни амалга ошириш
жараёнида лозим
бўлган асосий беш стра-
тегик йўналишларни қуй-
идагича белгилаб берди:

биринчидан, инсон
ҳуқуқлари ва эркинлик-
ларини ҳимоя қилишнинг
самарали механизмини
таъминлаш;

иккинчидан, инсон
ҳуқуқлари бўйича халқаро
ҳуқуқнинг умумэти-
роф этилган тамойилла-
ри ва меъёрлари асоси-
да миллий қонунчиликни
такомиллаштириш;

учинчидан, қабул
қилинган қонунларга
оғишмай амал қилиш ме-
ханазмини ишлаб чиқиш
ва ижтимоий ҳаётнинг
барча жабҳаларида қо-
нун ўстуворлигини таъ-
минлаш;

тўртинчидан, судлов
ислохотини амалга оши-
риш йўли билан бутун
суд тизимини демократ-
лаштириш;

бешинчидан, аҳоли,
айниқса, ёшлар ва ман-
сабдор шахслар ўртаси-
да ҳуқуқий тарбия ишла-
рини тубдан янгилаш,

8 ДЕКАБРЬ —
Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси
куни



белгиланган ҳуқуқ ва эр-
кинликлар тўқинлигига
йўл қўймаслик, агар бун-
га маълум бир сабаблар
оқибатида йўл қўйилган
бўлса, уни қонун норма-
ларида ўрнатилган тар-
тиб ҳамда воситалар ор-
қали бартараф этиш; ик-
кинчидан, шу ҳуқуқлар
билан боғлиқ мажбурият-
ларнинг бажарилиши-
ни таъминлашдан ибор-
рат.

Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари кафолати

уларнинг ҳуқуқий онги ва
маданиятини ошириш.

Инсон ва фуқаролар
ҳуқуқ ҳамда эркинликлар-
ни кафолатлари тушунча-
сини тўла англаш учун ав-
вало "кафолат" тушунча-
сига тўхталмоқ жоиз.

Унинг луғавий маъноси —
масъулиятни, жавобгар-
лиқни ўз устига олган
ҳолда ишонтириш, таъ-
минлаш деган тушунча-
ларни беради. Инсон
ҳуқуқ ва эркинликлари ка-
фолатларининг асосий
вазифаси — инсон ҳу-
қуқларини амалга оши-
ришни таъминлаш, улар-
нинг бузилишига йўл
қўйилган ҳолларда барта-
раф этиш, ва шу ҳуқуқлар
билан боғлиқ мажбурият-

ларнинг бажарилишини
таъминлаш сиёсатини
олиб боришдир. Аниқроқ
таърифласак, инсон
ҳуқуқлари ва эркинликлар-
ни кафолати бу — умум-
халқ муҳокамасидан ўтқа-
зилган, давлат томонидан
ўрнатилган ёки тасдиқ-
ланган, шахслар ва фуқа-
роларга белгилаб қўйил-
ган ҳуқуқ ва эркинликлар-
ни амалда таъминлашга
ёрдам берадиган ҳуқуқий
воситалар, юридик усул-
лар ва шарт-шароитлар
мажмуидир. Уларни амал-
га оширишни кафолат-
лашнинг вазифаси: би-
ринчидан, турли давлат
органлари, мансабдор
шахслар ва алоҳида шах-
слар томонидан қонунда

Шахсни ҳимоя қилиш,
шунингдек, унинг ҳаёти-
ни ижтимоий ҳавфли та-
жовулардан муҳофаза
қилиш ҳар бир демокра-
тик давлатнинг асосий
вазифаларидан ҳисоб-
ланади. Шахсий ҳуқуқ ва
эркинликлар инсон эр-
кинлигининг асосий жа-
бҳаларини қамраб ола-
ди, кишининг жамиятда-
ги турмуши, яшаш тарзи
ва фаолият кўрсатиш
асосларини ифодалай-
ди, унинг шахсий ҳаёти-
ни, хусусий эркинликлар-
ини турли хил арала-
шувлардан ҳимоя қила-
ди.

(Давоми 3-бетда.)

АЗИЗ ЮРДОШЛАР, ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«ADOLAT» газетасига 2010 йил учун обуна бўлинг.

Нашр индексимиз — 100.

69-АНГОР САЙЛОВ ОКРУГИ		
Вохидова Хафиза Гаппаровна	1958; "Адолат"СДП	Музаброт тумани «Насиба Хайдарова» фермер хўжалиги раҳбари
70-ТЕРМИЗ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Бўтаёров Омонбек Суванович	1969; партиясиз	Ангор педагогика касб-хунар коллежи директори
71-ЖАРҚҲҒОН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Гаимова Раъно Улабоевна	1958; "Адолат"СДП	Жарқўрғон саноат касб-хунар коллежи директори
72-КУМҚҲҒОН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Мухаммадиев Комилжон Бўриевич	1974; "Адолат"СДП	Кизирик тумани ҳокимлиги умумий бўлими мудири
73-ШҲҲҒИ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Турабов Баходир Тўхтамишович	1972; "Адолат"СДП	Республика «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари
74-ДЕНОВ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Қурбонов Шерали Шайматович	1965; "Адолат"СДП	Сурхондарё вилояти Денов тумани тиббиёт бирлаشمаси Шошилч тиббий ёрддам бўлими мудири
75-САРИОСИЁ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Мухаммадиев Салим Пардаевич	1972; "Адолат"СДП	Денов тумани бандликка кўмаклашиш маркази директори
76-УЗҲҒН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Жўраев Шўҳрат Зиякулович	1968; "Адолат"СДП	Ўзбекистон Республикаси геодезия ва картография кадастр масалалари бўйича миллий марказининг директори вазифасини бажарувчи
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЇЙИЧА:		
77-АНГРЕН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Мухаммедов Файрат Аминович	1966; "Адолат"СДП	Тошкент вилояти "Угом-Чотқол" давлат табиат миллий боғи бошқармаси Охангарон ўрмон хўжалиги директори
78-БЕКОВД САЙЛОВ ОКРУГИ		
Хакимов Ойбек Саъдуллаевич	1978; "Адолат"СДП	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиги ўринбосари
79-БҲКА САЙЛОВ ОКРУГИ		
Турсунов Ўткир Аликулович	1961; "Адолат"СДП	Оққўрғон тумани "Меҳанизациялашган кўча колонна-саноат, фуқаро қурилиш" корхонаси директори
80-БҲСТОНЛИҚ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Аҳмедов Убайдулло Раҳматуллаевич	1961; "Адолат"СДП	Бўстонлиқ тумани "Уч тоғ парвоз барака" фермер хўжалиги раҳбари
81-ЗАНГИОТА САЙЛОВ ОКРУГИ		
Сувонов Холтўра Адилбаевич	1961; "Адолат"СДП	Тошкент вилояти табииоти муҳофаза қилиш кўмитаси раиси
83-ПАРКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Хатамов Улугбек Жуматуллаевич	1966; "Адолат"СДП	Тошкент давлат юридик институти "Конституциявий ҳуқуқ" кафедраси катта ўқитувчиси
84-ТҲЙТЕПА САЙЛОВ ОКРУГИ		
Саифназаров Исмаил	1948; "Адолат"СДП	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари
85-ЧИНОЗ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Акромов Алишер Холдорбоевич	1968; "Адолат"СДП	Чиноз тумани "Акромов А" фермер хўжалиги раҳбари
86-ЧИРЧИҚ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Мирзақаримова Шохида Тургуновна	1961; "Адолат"СДП	Чирчиқ шаҳар иқтисодиый таъминот бўлими мудираси
87-КИБРАЙ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Ҳамидова Камола Тахировна	1977; "Адолат"СДП	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти бош илимий ходими
88-ЯНГИЙҲЛ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Юнусов Обиджон Қодирович	1964; "Адолат"СДП	Янгийўл "Янгийўл ёғ-мой" очик турдаги акциядорлик жамияти раҳбари
89-ДҲСТВОБОД САЙЛОВ ОКРУГИ		
Ҳасанова Наргиза Омонкуловна	1973; "Адолат"СДП	Оққўрғон тумани 49-сон умумтаълим мактаби директори
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЇЙИЧА:		
90-БЕШАРИҚ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Ульжаева Шохистахон Мамажоновна	1967; "Адолат"СДП	Тошкент Кимё-технология институти "Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар" кафедраси мудираси
92-ЯЙПАН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Эргашев Акмал Акрамович	1970; "Адолат"СДП	Фаргона вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жағмармаси раисининг ўринбосари
93-ҚҲҚОН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Аҳмедова Муяссар Анваровна	1949; "Адолат"СДП	Қўқон шаҳар 1-сон шифохона бош шифокори
94-БАҒДОД САЙЛОВ ОКРУГИ		
Мирзалиев Адҳамжон Зокирович	1967; "Адолат"СДП	Фуқаролик ишлари бўйича Фаргона вилоят суди катта мутахассиси
95-РИШТОН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Урунбаева Доно Абдухамидовна	1958; "Адолат"СДП	Маргилон шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхона маркази адвокати
96-ОЛТИАРИҚ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Сиддиқов Бахтийёр Саидукулович	1961; "Адолат"СДП	Фаргона Давлат университетининг маънавий-ахлоқий тарбиявий ишлар бўйича проректори
97-ОХУНБОУОВ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Умаров Адҳамжон Қодирович	1962; "Адолат"СДП	Охунбобоев тумани ҳокимнинг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари
98-МАРҒИЛОН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Рўзибоев Абдурахим Нишонбоевич	1955; "Адолат"СДП	Маргилон шаҳар "Хумо-А" фирмаси директори
99-ФАРҒОНА САЙЛОВ ОКРУГИ		
Каримов Маҳаматжон Абдувоҳидович	1949; "Адолат"СДП	Фаргона Давлат университети қошидаги Фаргона академик лицейи директори
100-ВОДИЛ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Умуракова Гульнара Мўминовна	1962; "Адолат"СДП	Фаргона политехника институти механика факультети декани ўринбосари

(Давоми. Бошланғичи 2-бетда.)

101-ТОШЛОҚ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Хакимова Матлуба Одиловна	1965; "Адолат"СДП	Тошлоқ Иқтисодий коллежи ўқув ишлари бўйича директори ўринбосари
102-КУВА САЙЛОВ ОКРУГИ		
Мадалиев Обиджон Меликузиевич	1965; "Адолат"СДП	Тошкент давлат юридик институти "Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" кафедраси доценти
103-БУВАЙДА САЙЛОВ ОКРУГИ		
Исмаилова Раъно Анваровна	1961; "Адолат"СДП	Учқўприк тумани Болалар поликлиникаси мудири
104-ҚУВАСОЙ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Сулаймонов Обиджон	1958; "Адолат"СДП	Фарғона вилояти қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
105-УРГАНЧ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Қўчқаров Шер Матқўбирович	1958; "Адолат"СДП	Янгиерик тумани 11-сон лицей-интернати директори
106-БОҒОТ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Бекжанов Ойбек Норметович	1972 йил; "Адолат"СДП	Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Хоразм вилоят бошқармаси бош мутахассиси
107-ГУРЛАН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Жуманиязов Умид Мамасабурович	1978; "Адолат"СДП	"Ипотека-банк" АТИБ Тинчлик филиали бошқарувчиси
108-ҲАЗОРАСП САЙЛОВ ОКРУГИ		
Қурёзов Атабой Ибрагимович	1967; "Адолат"СДП	Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Хоразм вилояти Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб касса маркази директори
109-ХОНҚА САЙЛОВ ОКРУГИ		
Сапаева Муҳаббат Каландаровна	1969; "Адолат"СДП	Хоразм вилоят маънавият тарғибот маркази масъул котиби
110-ХИВА САЙЛОВ ОКРУГИ		
Диванов Санжарбек Наримонович	1966; "Адолат"СДП	Хоразм вилояти Хива тумани халқ таълими бўлими бош мутахассиси
111-ШОВОТ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Аллаберганов Эргашбой Каримберганович	1978; "Адолат"СДП	Хоразм вилояти «Қишлоқхўжалиқим» ётақчи мутахассиси

КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:		
112-ҚАРШИ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Турсунов Собир Турдиевич	1964; "Адолат"СДП	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси
113-БЕШКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Асадова Раъно Баймановна	1966; "Адолат"СДП	Қарши тиббиёт коллежи бўлим мудири
114-ҚАМАШИ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Нарматов Норсафәр Абдуллаевич	1958; "Адолат"СДП	Қашқадарё вилоят Адвокатлар ҳайъати раиси ўринбосари
116-КОСОН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Доллиев Шермат Тухтаевич	1962; "Адолат"СДП	Косон тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари
117-Касби сайлов округи		
Боқиев Тошпўлат Хушевич	1968; "Адолат"СДП	Касби тумани "Боқиев Тошпўлат Хушевич" фермер хўжалиги раҳбари
118-КИТОБ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Бойқараев Алишер Рузиевич	1971; "Адолат"СДП	Китоб тумани «Севаз-Андроникс» масъулияти чекланган жамият директори
119-ЧИРОҚЧИ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Шарапова Матлуба Хусановна	1962; "Адолат"СДП	Тошкент Тиббиёт академияси юқумли касалликлар ва педиатрия кафедраси профессори
120-ШАХРИСАБЗ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Темиров Акбар Халимович	1960; "Адолат"СДП	Шахрисабз шаҳри «Турон-турк-инвест» қўшма корхонаси раҳбари
121-ЯККАБОҒ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Тухтаев Эркин Эшмаҳматович	1977; "Адолат"СДП	Яккабоғ тумани «Турон Бунёдкор Курилиш» инженеринг компанияси бош директори
122-ҒУЗОР САЙЛОВ ОКРУГИ		
Химматов Мустафо Холбўтаевич	1962; "Адолат"СДП	Қашқадарё вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳудудий бирлашмаси раиси
123-НАСАФ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Раупов Сирожиддин Пулатович	1967; "Адолат"СДП	"Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:		
124-ОҚТЕПА САЙЛОВ ОКРУГИ		
Тошмухамедова Дилорам Гафурджановна	1962; партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери
125-ДАРҲОН САЙЛОВ ОКРУГИ		
Ахмедов Шавкат Аскарвич	1953; партиясиз	«Дек-инвест» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси бош директори
127-ҚОРАҚАМИШ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Абдуганиев Иброгим Хаджиевич	1953; "Адолат"СДП	Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари
128-САНОАТ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Раҳматуллаева Дилфуза Назруллаевна	1962; "Адолат"СДП	Миллий рассомлик ва дизайн институти проректори
129-ДЎМБИБОБОД САЙЛОВ ОКРУГИ		
Юсупова Солиҳа Патхуллаевна	1960; партиясиз	Чилонзор тумани «Ифатли келин» ўқув маркази директори
130-БОДИМЗОР САЙЛОВ ОКРУГИ		
Турсунов Лутфулла Сайфуллаевич	1959; "Адолат"СДП	Ўзбекистон Миллий Университети фалсафа факультети декани ўринбосари
131-АСТРОБОД САЙЛОВ ОКРУГИ		
Шарафутдинова Муҳаббат Озодовна	1951; "Адолат"СДП	Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети публицистика ва адабиётшунослик кафедраси мудири
132-ТЎҚИМАЧИ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Жўраева Назокат Гулмуродовна	1966; "Адолат"СДП	Собир Раҳимов тумани академик лицейи директори ўринбосари
133-ҚЎҚА САЙЛОВ ОКРУГИ		
Далашева Ақида Абдужабборовна	1976; "Адолат"СДП	Ўзбекистон Миллий университети Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси мудири
134-ҚЎЙЛИҚ САЙЛОВ ОКРУГИ		
Кадилов Малик Машрабович	1956; "Адолат"СДП	Тошкент шаҳри "Инфонет Сервис" масъулияти чекланган жамияти раиси
135-ШАЙХОНТОХУР САЙЛОВ ОКРУГИ		
Обиджонов Жаҳонгир Обиджонович	1976; "Адолат"СДП	"Ўзсаноатқурилишбанк" бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари кафолати

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Конституциянинг 2-моддасида «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдилар» деган қонданинг конституциявий даражада мустахкамланиши — шахс билан давлат ўртасидаги муносабатларни тубдан янгича қўриб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради. Зеро, Конституция ва у асосида қабул қилинган барча қонунлар шахс манфаатларини устувор даражага кўтариш мақсадида яратилган.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 10-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир» деб қўрсатилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддаси 1-бандида «Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқи» эканлиги айтилган. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. «Ҳеч ким ўзбошимчилик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди» деб мустахкамланган. Ушбу халқаро ҳужжатларда эътироф этилганидек, Конституциямизнинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деб белгилан қўйилган.

Шахсининг яшаш ҳуқуқи республикада қонунлари билан муҳофаза этилади. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидида шахс ҳаётини муҳофаза қилишга устуворлик берилган. Унинг 97-моддасида қасддан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиб, жазо сифатида 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ҳамда олий жазо — ўлим жазоси давлатимизда қақатгина ўта хавфли жиноятлар учун белгиланган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонида қўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексидада ўлим жазоси ўмрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилди.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя этишда ва уни қонун жиҳатидан кафолатлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг ҳам аҳамияти бениҳоя катта. Кодексада бу борада махсус ҳуқуқий база белгилан берилган. Масалан, унинг 11-моддасида қонунийлик, 12-моддасида одил судловнинг фақат судлар томонидан амалга оширилиши, 16-моддасида тенглик, 17-моддасида шахс шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, 18-моддасида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, 23-моддасида айбсизлик презумпцияси ва бир қатор бошқа инсонпарвар, демократик принциплар белгиланган. Кодексининг 18-моддасига мувофиқ «Жиноят

ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт. Ҳеч ким суд қарорига асосланмай ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас».

Суд ва прокурор қонунга ҳилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёҳуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиш шарт. Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши қонун билан қўриқланади. Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи - инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари орасида устувор нормалардан бири. Ушбу ҳуқуқ Конституциямизнинг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас» тарзида аниқ-равшан қўрсатилган. Инсоннинг бу ажралмас шахсий ҳуқуқи ҳуқуқнинг турли соҳалари билан, жумладан фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, оила ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқлари нормалари билан муҳофаза қилинади. Масалан, фуқаролик кодексининг 20, 99, 100-моддаларини олинг.

Уларда инсоннинг шахси билан боғлиқ (исми, ҳаёти, соғлиги, шаъни, қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги каби) ҳуқуқларидан маҳрум этиб бўлмаслиги ва улар суд йўли билан ҳимоя қилиниши қатъий белгиланган.

Давлатимиз раҳбари 2005 йилнинг 28 январидида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ва бозор иқтисодиётининг янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир», дея мамлакатимизнинг олдида қўйилган узоқ муддатли ва стратегик вазифаларни таъкидлаб ўтганлари алоҳида эътиборга сазовордир. Айни шу мақсадларни амалга ошириш — бир томондан фуқароларнинг ўз манфаатларини рўйбга чиқаришга имкон, шарт-шароит яратиб беришда намоён бўлса, иккинчидан — уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошишида давлат органлари ва мансабдор шахслар масъулиятини ҳам мустахкамлашга хизмат қилади.

Жамиятда шахсининг тутган ўрни, макеи, фуқароларнинг асо-

сий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчлари конституциявий ҳуқуқ нормаларида ифода топади. Ҳар бир шахс жамият аъзоси сифатида намоён бўлар экан, шу жамият ва унинг аъзолари олдида маълум бир масъулиятларни ўз бўйига олади. Чунки, шу жамият аъзоси сифатида у маълум маъвоқага эга бўлиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланади. Жамият эса ўз навбатида давлат билан ҳам шундай муносабатлар ўрнатади, бундай муносабатларнинг энг юқори кўриниши ҳар бир жамият аъзосининг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши ва қонуний манфаатларнинг таъминланганлиги билан ифодаланади.

Феруза МИРЎКТАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси девони ходими.

МУҲОКАМАДА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Оқибатда бу ҳолат жиноятларнинг тез фаш этилиши, бошқа иштирокчиларнинг қидируви ва ушланиши, тергов ҳаракатларининг тезкорлик билан олиб борилишига мубайн тўсиқларни юзага келтирмоқда. Эътироф этилдики, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг учдан икки қисминдан ошмайдиган муддат ва миқдордаги жазо тайинланишини назарда тутувчи қўшимча киритиш таклиф этилмоқда.

Муҳокамада сўзга чиққан депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. — Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, жиноят қонунчилигининг либераллаштириб борилаётганлиги бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда, — деди фракция аъзоси Собир Турсунов. — Масалан, биргина ярашув институтини қўллаш амалиётининг жорий этилиши соҳа фаолиятида янгича қадам бўлди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши, адвокатура институтининг жорий қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судлар ваколатига ўтиши ҳам шулар жумласидандир. Ушбу қонун лойиҳасида назарда тутилган Жиноят кодексига киритилаётган қўшимча ҳам жиноят қонунчилиги либераллаштирилишининг узвий давомидир.

Муҳокамада сўз олган фракция аъзоси Зухра Ботирова буларнинг барчаси, аввало, социал-демократия гояларига ҳамоҳанг эканлигини таъкидлаб, қонун лойиҳасини истисно тариқасида иккинчи ҳамда учинчи ўқишларда ҳам қўллаб қувватлашни таклиф қилди. Қонун тартибидидаги яна бир масала — «Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни лойиҳаси юзасидан Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари У.Вафоев сўзга чиқди. Нотиқ қонун лойиҳаси асосида қиритилиши назарда тутилган ўзгаришлар асосан Республика Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маъмурияти таркибига тегишли эканлигини қайд этди. Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллашди.

Ингилишида «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳамда «Қишлоқ ва сув ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди. Шунингдек, фракция аъзолари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳанитовга «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2006 йил 7 сентябрдаги қарориди назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг парламент сўрови тўғрисидаги масалани ҳам қўриб чиқдилар.

Партия электорати манфаатлари инобатга олиниб, муҳокама этилган қонун лойиҳаларининг янада такомиллашувига хизмат қилувчи фикр ва тавсиялар берилди. Ингилиш сўнгида фракция нуктаи назари белгилан олдинди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
"Адолат" мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Қўнғирот туманида пишиқ гишт ишлаб чиқаришга иқтисодлашган «Қўнғирот-гишт» масъулиятли чекланган жамияти иш бошлади.

Ҳозир бу ерда замонавий тежамкор технологиялар ёрдамида кўнғирот 40 минг тоннага қадар қурилиш хомашёси тайёрланмоқда. «Қишлоқ таракқийети ва фаровонлиги йили»да фаолият бошлаган маъмур корхона 25 нафар қўнғиротлик фуқароларни муким иш жойлари билан таъминлади.

ФАРҒОНА. Раштанда «Рус-Ўзбек-Текс» қўшма корхонаси тўла модернизация қилинган, бу ерда тайёрланаётган қалама ил маҳсулотлари қарийб икки бараварга ортди.

Мухими, маҳсулот сифати ошган, унга ташқи бозордан ҳам харидорлар топилади. Жумладан, шу йилнинг ўтган ойлари ичида бу ерда 2345 тонна товар (ишлаб чиқариш маҳсулотининг 93 фоизи) четта экспорт қилинди. Ҳозир корхонада ойига 300 тонна атрофида қалама ишлар тайёрланмоқда.

БУХОРО. Вилоят марказида қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибидида уй-жойлар лойиҳалари ва қурилиш материалларининг иқтисодлаштирилган миқтасавий кўрсаткичи бўлиб ўтди. Қўрғазма доирасида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, қурилиш - пулрат ташкилотлари ва бир қатор хизмат кўрсатиш соҳаси мутахассислари иштирокида ўқув-семинар ҳам ташкил этилди. Шунингдек маъмур тадбирга таклиф этилган Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари меъморлари узаро тажриба ҳам алмашдилар.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 2005-2009 йилларга мўлжалланган фаолият дастури ва Низомида назарда тутилган вазифаларни бекаму-қўст бажариш мақсадида омма ўртасида кенг камровли тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштиратган Китоб тумани партия Кенгаши фаоллари мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга ҳам қизгин ҳозирлик қўришмоқда.

Туман партия Кенгаши бошланғич ташкилотлар фаолиятини кенгайтиришга, аъзоларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган муҳим ўзгаришлар, воқеалар, барча жабҳаларда кечаётган ислохотлар муваффақияти юзасидан тумандаги қорхона, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда фуқаролар билан мунтазам равишда турли давра суҳбатлари, уршушулар ўтказиб келаяпти. Худди шундай тадбирлар тумандаги Искана, Жайраҳона, Варганза қишлоқларида ташкил этилди.

«Қандай киши депутат бўлиши мумкин?», «Депутатлик лавозимини ёки масъулият», «Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Булажақ сайловлар — жамият демократлашувининг асосий босқичи» каби мавзуларда уюштирилаётган ушбу тадбирларда мамлакатимиздаги сайлов тизими,

сайлов қонунчилигига кириштирилган ўзгариш ва қўшимчалар, унинг аҳамияти ҳақида, ва албатта, партиянинг бўлгуси сайловлардаги иштироки тўғрисида атрафлича сўз юритилди.

Дарвоқе, туман Кенгаши партия сафларини социал-демократия гояларига содиқ, жонқур ва сиёсий ётуқ аъзолар ҳисобига кенгайтириш, бу борадаги партия Сиёсий Кенгаши Пленуми қарорларини рўйбга чиқариш мақсадида ҳам бирмунча ишларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда шу мақсадда туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари ўртасида давра суҳбати ташкил этилди. Унда иштирок этган туман Кенгаши раиси ўринбосари Хосият Жабборов тадбир иштирокчиларини партия фаолларининг шу

кеча-кундузда олиб бораётган ишлари билан таништириш баробарида, яна ҳам узоқоқлик ва қатъият билан фаолият юритиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Тадбир сўнгида ўн нафар тиббиёт ходимлари Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолигига қабул қилиниб, уларга партия билетлари топширилди.

Бу йил партиямиз сафларини билимдон, жонқур ва эл ишига қамарбаста 150 нафар киши ҳисобига кенгайтирди. Йил якунига қадар яна 50 нафар ҳар томонлама обрў-эътиборга сазовор бўлган инсонларни партия сафига қабул қилишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди биз билан бўлган суҳбатда туман Кенгаши раиси ўринбосари Хосият Жабборов.

Комил САХАТОВ,
"Адолат" мухбири.

Партия ҳаёти

Муҳим палла масъулияти

Фахр

Партиядошимиз — академик

у Ҳурмат белгиси нишони ҳамда Олтин медалга сазовор бўлди

Г.В.Плеханов ном-
даги Россия Иқтисо-
дийт академиясининг
Тошкентдаги филиа-
лида Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий
Мажлиси Қонуқчилик
палатаси депутаты,
палатанинг Бюджет
ва иқтисодий исло-
хотлар қўмитаси ра-
иси Абдурафиқ
Аҳадовга Халқаро
Мохриат ва Бандлик
академиясининг ака-
деминг дипломи ва
мазкур академия гу-
воҳномасини топши-
рди маросимини бўлиб
ўтди.



Абдурафиқ Аҳадов Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ривожлантириш ва Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали ўқув жараёнлари такомиллашувига қўшган катта ҳиссаси ҳамда узоқ йиллик самарали хизматлари учун шундай юксак унвонга сазовор бўлди.

Бизнинг изох: У илк меҳнат фаолиятини собиқ Тошкент тўқимачилик комбинатида оддий ишчиликдан бошлади. Ҳарбий хизматдан сўнг ҳозирги Тошкент Иқтисодиёт университетида таҳсил олди. Банк хизмати тизимла-

рида турли ловозимларда ишлаб юриб, Ўзбекистон акциядорлик тижорат «Агросаноатбанк» раҳбари даражасига кўтарилди. 1995 йилдан то ҳозирга қадар Парламентда депутат, 2000 йилдан бошлаб эса Қўмита раиси вазифасида ишлаб келади. Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

Тадбир давомиди Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали директори Қ.Абдурахмонов филиал илмий кенгаши қарорига кўра академик А.Аҳадов филиалнинг Ҳурмат белгиси нишо-

нига ҳам сазовор бўлганлиги ҳақидаги қарорини ўқиди ва унга ана шу фахрий белги гувоҳнома-си ҳамда филиал Олтин медали-ни, шунингдек, Халқаро Меҳнат ва Бандлик академияси билан Россия Иқтисодиёт академияси филиали жамоалари тайёрлаган қимматбаҳо эсдалик совғалари-ни топширди. Унга академия ил-мий кенгаши мантияси кийдирил-ди.

Тадбирда ҳар икки академия илмий кенгаши аъзолари, республикаимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва жа-

моатчилик вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар парламентимиз депутати муассар бўлган буюксам хурмат-эҳтиром ва илмий даража билан ун қизгин муборакбод этишди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёси Кенгаши раиси Исмоил Сафназаров партиядошимизга бундан кейинги ҳаёти ва меҳнат фаолиятида партия ҳамда унинг парламентдаги фракцияси аъзолари номидан катта муваффақиятлар тилади.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

**Эрматов Осиёда энг
яхши хакам бўлди**

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё Футбол Конфедерациясининг анжумани бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз Равшан Эрматов Осиёнинг 2009 йилдаги энг яхши ҳаками деб топилди.

Алоҳида дамнунгит билан таъкидлаш лозимки, Равшан Эрматов бу совринни кетмангач иккинчи маротаба қўлга киритди. Утган йилги мавсумда жаҳортиримиз қўтада тенгсиз топишганлигидан хабарингиз бўлса керак. Яқинда Нигерияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати бахсларини бошқарган Р.Эрматов ОФКдан ЖЧ-2010 финал босқичига борадиган номзод ҳақмаладан бири бўлиб туриди.

«Насаф» «Ар-Райян» билан ўйнайди

Жорий йилги мавсумда мамлакат чемпионатининг бронза медалларига эгалик қилган “Насаф” клуби келаси йили ОФК кубоги гуруҳ босқичида қатнашиш учун Қатарнинг “Ар-Райян” жамоасига қарши майдонга тушади.

Маълум бўлишича, "Нефтчи" ўтган йили

ФУТБОЛ ХАКИДА

араб жамоаларидан бири ОФК кубогидан бош тортганлиги учун мусобақага тақлиф қилинган. Бу йил ҳам "Бусайити" (Бахрайн) ва "Перлис" (Малайзия) клублари 2010 йилги мусобақада иштирок этишдан бош тортган. Шу боис, ОФК клублар ўртасидаги мусобақада иккитадан ортиқ клуби қатнашмайдиган давлатлар футбол федерацияларига мурожаат қилган. Бунга УФФдан ташқари Қатар ва Индонезия футбол федерациялари ҳам ижобий жавоб қайтаришди.

Демак, Индонезия клуби Фарбий минтақада тўғридан-тўғри гуруҳ босқинчида иштирок этади. Штарий минтақада бўшган битта урин учун эса Каттарининг "Ар-Райяна" ва "Насаф" жамоалари плей-офф тизимида кураш олиб боради. Плей-офф фақат битта уйиндан иборат бўлади ва ушбу уйин қайси мамлакатда бўлиб ўтиши 7 декабрь кунги ташланадиган қуръадан сўнг маълум бўлади. Урашув январь ойининг сўнгги кунларида ўтказилади.

Камол АПЛАЕВОВ

Ёнғиндан сақланинг!

Ёнгин балои офат. Кўпгина куфатларни келтириб чиқарди. Етказилган зарар миқдорини эса ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдی.

Бу борада ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли ўртасида, жойларда тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Ёнгин хавфсизлигига қатый рияз этиш бўйича тадбирлар ташкиллаштириляпти.

Аммо, афсуски, ҳамма ҳам ёнгин хавфсизлигига эътибор билан қарамайди. Бундай бепарволик натижа-сида қутилмаган кўнгилисиз ходисалар келиб чиқаяпти. Оқибатда айрим фуқарола-римиз ҳамматараф зарар ҳам кўрмоқда.

Баъзан ходимларимиз
хизмат тақозоси билан

корхона, ташкилот ва хона-дарларда текширув ўтказ-ганларида шундай ҳолга дуч келдиларки, кишилар ёнгина келтириб чиқариши мумкин бўлган носозликлар, айниқса, электр асбобларидан фойдаланидагиларга ҳаётий сиз-ликларини яшириб, биз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига доимо риоя қиламиз, дея ёлгон гапиришди. Қўлболо иситиш асбоблари ва бошқа мосламаларни беркитиб, ўз билганларидан қолтирмайди. Айниқса, кўп қаватли уйлار-да хонадон эгалари ошхона-лардагилар газ плиталарини ўзбошимچилик билан, ҳеч қандай рухсатсиз, айовонлар-га қўчирганлар. Бу эса наиники ўз оиласини, ҳатто қўни-қўшинларининг ҳаётини ҳам хавф остига қўяди. Улар-

нинг ҳалок бўлиши, тан жароҳатлари олишига сабаб бўлди. Наҳотки, улар "Қурилиш меъёр қоидалари", "Газдан фойдаланиш қоидалари"ни қўпол равишда бузётганилигини билиш-маса?! Доно халқимиз "Ёнгин – тилсиз ёв", деган гапни бекор ишлатмайди. Ёнгин – фавқултда ҳодиса, лекин унинг олдини олиш ўз қўлимизда эмасми?

Республикада Ёнги
хавфсизлиги ойлиги давом
этомқда. Биз ҳам бунга ўз
хиссамизни қўшайлик

Ф.ХУСАНОВ,
Тошкент шаҳридаги
12-Ҳарбийлашган
ёнгин хавфсизлиги
бўлими 2-алоҳида пост
инспектори,
капитан.



TURON BANK

Очиқ акциядорлик тижорат Турон банк жамоаси

*Халқимизни мўтабар айём —
Қурбон ҳайити байрами билан
чин дилдан
самимий муборакбод этади.*

*Сиз, азиз юрtdошларимизга
бахт-саодат, тинчлик-омонлик,
фаровонлик тилайди.*





**«Асака» банк (ОАЖ)
жамоаси**

**Барча юрдошларимизни
муборак
Қурбон ҳайити байрами
билан чин қалбдан
табриклайди.**

**Юртимизни обод,
элимизни фаровон
этаётган
бунёдкор халқимизнинг
эзгу ишларига
ҳамиша
муваффақиятлар
тилайди.**



 **ADOLAT** homonimlar... shu qadrd
ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН
«АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс);
котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-57-14

ISSN 2091-5217

Мавзил: 100000. Тошкент шаҳри. Матбуотчилар кўчаси. 32-йў.

Таҳрир ҳайъати

МЕДОВА,	Мамазонр
ФНАЗАРОВ,	ҲУЖАМБЕРДИЕВ,
МИНОВ,	Мукаррамхон АЗИМОВА,
ИНОМОВ,	Равшан ҲАЙДАРОВ,
РОВА,	Собир ТУРСУНОВ,
ЗО,	Светлана ОФИКОВА,
ПИ.	Талъат МУРОДОВ,
	Қодир ЖҲРАЕВ.

Нашр учун маъсул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиб фақат таҳририят рухсати билан амалда оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Муродулло ҒАФУРОВ
Навбатчи — Фарход ЭСОНОВ